

**РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
БИОИКЛИМИЙ ШАРОИТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ  
АҲАМИЯТИ**

**Маҳамадалиев Равшан Йўлдошевич**

г.ф.н., доцент

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти

**Махмудов Муҳаммадисмоил Мухитдинович**

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада рекреация ва туризм соҳасини ривожлантиришда биоиклимий шароитларни ҳисобга олиш оркали дестинацияларда туристик оқимни бошқариш, сайёхларнинг марокли дам олишлари учун энг кулай бўлган мавсумни таълашлари мумкинлиги хакида фикр-мулоҳазалар юритилади.

**Таянч сўзлар:** рекреация, туризм, дестинация, биоиклим, туристик фаолият, комфорт, ҳаво ҳарорати, атмосфера босими, қуёш радиацияси, намлик, ёғин миқдори, гелиотерапия, аэротерапия, қуёш ванналари, агротуризим, гастрономик туризм, экотуризм, тоғ туризми.

**THE IMPORTANCE OF TAKING INTO ACCOUNT BIOCLIMATIC  
CONDITIONS IN THE DEVELOPMENT OF RECREATION AND  
TOURISM**

**Annotation:** This article discusses the management of tourist flow in destinations, taking into account the bioclimatic conditions for the development of recreation and tourism, the possibility of tourists choosing the most favorable time of the year for an interesting vacation.

**Key words:** recreation, tourism, destination, bioclimate, tourist activity, comfort, air temperature, atmospheric pressure, solar radiation, humidity, precipitation, heliotherapy, aerotherapy, sunbathing, agrotourism, gastronomic tourism, ecotourism, mountain tourism.

Рекреация ва туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг йирик секторига айланиб бормоқда. Жаҳон мамлакатларида кузатиладиган табиий, иқтисодий ва сиёсий инқизоларга қарамай ўтган йиллар мобайнида ҳалқаро туристлар сони жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Бутунжоҳон туризм ташкилотининг (БТТ) маълумотларида ҳалқаро туристлар сони 1950 йилда 25 миллион кишини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1980 йилда 278 миллионга, 2000 йилда 674 миллион кишига, 2016 йилга келиб эса 1 миллиард 235 миллион кишига етганини кузатиш мумкин [4]. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, 2019 йилда

туристлар сони бутун дунё бўйича 1 миллиард 500 миллион кишига етиб, 2018 йилга нисбатан 4 фоизга ўсган.

Туризм соҳасини жаҳон мамлакатларида ривожланиши туристик ресурслари билан бевосита боғлиқ. Туристик ресурслар – тегишли ҳудуднинг табиий-иклим, соғломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший обьектлари мажмуудир [2]. Жаҳон мамлакатларида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳудудларнинг табиий-иклим шаронтини ўрганиш ҳамда баҳолаш орқали рекреация ва туристик фаолиятни ташкил қилиш ёки иқлимшунослик бўйича кўплаб йирик олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бироқ туристик фаолиятни биоиклимий шаронитлар орқали ташкил қилиш, туризмни ривожлантиришда иқлим ўзгаришларининг аҳамияти масалаларида назарий ва услубий муаммолар етарлича иқтисодий нуқтаи назардан тадқиқ этилмаган. Шу боис туристик фаолиятни ташкил қилишда дестинациялардаги комфорт зоналарни мамлакат сайёҳлик салоҳиятига таъсирини ўрганиш ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эгадир. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида иқлимининг туризмдаги ўрни асосан рекреация фаолиятини ташкил қилиш билан боғланади.

Худудий рекреацион тизимлар, турли хил рекреацион тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши рекреацион географиянинг ўрганиш обьекти ҳисобланади [1]. Худудий рекреацион тизимлар тўртта асосий турга бўлинниб, улардан биринчиси “даволовчи” туридир. Унинг функцияларидан бирига илмий шарт-шаронитлар киради. Туристик ҳудудлардаги иқлимий шарт-шаронитларни қулайлиги сайёҳлар ўзини комфорт ҳис қилиш имконини беради. Туристик мавсумда иқлимининг комфортлиги сайёҳлар томонидан минтақадаги барча туристик хизматлардан фойдаланишлари эҳтимолини оширади.

Рекреация ва туризм обьектив ёки субъектив омиллар таъсирида ривожланади. Ҳаво ҳарорати, атмосфера босими, қуёш радиацияси, намлик ёки ёғин миқдорининг кўрсаткичлари обьектив омиллар ҳисобланади. Бундай ҳолатлар жаҳон туризмидаги ўзгаришларни юзага келтиради. Айниқса, агротуризим, гастрономик туризм, экотуризм, тоғ туризми, рекреация каби қатор турларига билвосита ижобий ёки салбий таъсири кўрсатиши мумкин. Жаҳон рекреация ва туризм бозоридаги ҳалқаро тажриба шуни кўрсатадики, гелиотерапия ва аэротерапия инсон саломатлигини қайта тиклашда иқлим омили муҳим рол ўйнайди. Бу ҳудудларда сайёҳлар ҳаво ва қуёш ванналари, очиқ ҳавода ва денгизда чўмилиш, дengiz қирғозида ухлаш каби муолажаларни олишлари мумкин.

Биоиқлимий шаронтлардан фойдаланган ҳолда Малдив, Сейшел, Бали ороллари, Ҳиндистон, Истроил, Вьетнам, БАА, Куба каби мамлакатлар миллионлаб туристларни ўзига жалб қилмоқда. Хатто Доминикан Республикасида қиши мавсумида ўртacha ҳаво ҳароратининг 28-30 дараҷа бўлиши йил давомида мамлакатга сайёҳлар ташрифини таъминлайди [3]. Иклиминг бундай кўриниши табиики, пляж туризми ишишибозлари учун комфорт саналанади. Франция, Австрия ва Швейцария каби мамлакатлар экстремал тоғ-чанғи курорт зоналари спорт туризми билан шуғулланувчиларга тавсия этилади. Рекреация фаолияти орқали саломатлигини қайта тиклашни хоҳловчиларга Сочи, Ялта, Карлова варзи, Баржоми, Колхидаги каби санаторий-курорт зоналарининг иқлими комфорт ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам биоиқлимий шаронтлардан рекреация ва туризм мақсадларида самарали фойдаланилади. Хусусан, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Фарғона водийси вилоятларида иқлим ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Мамлакатдаги “Зомин”, “Оқтош” ва “Хумсон” каби санаторийларни бунёд этилишида бевосита биоиқлимий шарт-шаронтлар ҳисобга олинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, жаҳон мамлакатлари ялпи ички маҳсулотида туризмдан тушаётган даромадларнинг улушкини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу учун ҳар бир мамлакат ўзининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туристик корхоналар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, туристик инфраструктура обьектларини барпо этиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш каби омилларга алоҳида эътибор қаратади.

Дестинациялар биоиқлимий шаронтларини ҳисобга олиб маркетинг стратегиясини тўғри олиб борилиши туристик корхоналар даромадини ошишига ва сайёҳлар дам олишини мазмунли ташкил этилишига туртки беради. Биоиқлимий шаронтлардан йилнинг барча мавсумларида самарали фойдаланиш орқали мамлакатда туризмни барқарор ривожлантиришга эришиш мумкин.

Иқлим омилларини ҳисобга олиб, метеорологик қонуниятлар асосида келгуси туристик мавсум учун турпакетларни ишлаб чикиш, меҳмонхоналарни брон қилиш, транспорт ҳаражатларини тўғри тақсимлаш, кафе ва ресторонлар хизматидан фойдаланиш, туристик оқимни преференцияларга буриш, янги туристик йўналишларни очиш, сайёҳлар учун куннинг комфорт вактларида экспкурсияларни ташкил қилишнинг илмий асослари яратилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Преображенский В.С. Теоретические основы рекреационной географии. -М.: Наука, 1975.
2. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги Қонуни. 20.08. 2019 й.
3. <https://www.norma.uz/uz/>
4. UNWTO Tourism Highlights, 2017 Edition// БТТнинг расмий веб-сайти  
[www.unwto.org](http://www.unwto.org)